



Узур Кўшар

Хадётдан ғарбадингизми?
унда

АЛЛОҲГА
ҚОЧИНГ!



ўқизганга нима етсин!

УҒУР ҚҰШАР

АЛЛОҲГА ҚОЧИНГ!

АЗОН

КБК 86.38

УЎК 28

К 96

УЎРУ ҚЎШАР. Аллоҳга қочинг [Матн] : диний-маърифий / — Тошкент: "Azon kitoblari", 2022. — 208 б.

Таржимон

Зулфия Бозорова

Жисмимизда оғриқ турса, зудлик билан шифохонага чопамиз, дарддан халос бўлиш учун эса шифокор тавсия этган дориларни кечиктирмай истеъмол қиламиз. Жисмга эътибор берганимиз яхши, бироқ тирикликнинг жавҳари бўлган руҳимизни ҳам унутиб қўймаслигимиз керак.

Мутолаасига ошиқаётганингиз ушбу китоб айнан муолажага муҳтож руҳимизни даволашга хизмат қилади. Муаллиф ушбу асарни руҳий зўриқишларга қарши рецепт ўлароқ таълиф этиб, муолажа воситалари фақатгина Исломда эканини таъкидлайди.

Ўйлаймизки, ушбу асар муолажага эҳтиёжи бор руҳларни ҳеч қандай оғриқ-машаққатсиз даволаб, соғломларини эса янада тетикликлаштиришга ёрдам беради.

ISBN 978-9943-8139-6-0

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича
Қўмитанинг 2022 йил 15 апрелдаги №03-07/2792-сонли
хулосаси асосида тайёрланди.



© "Azon kitoblari" нашриёти, 2022

AZON
.....

Хәтдан Һарғадинһизми?

Унда

Аллоһға қорһинг!

Холик турганда бандасига эхтиёж йўқ

МУНДАРИЖА

Сўзбоши.....	11
Янги кун олдидан: юзни тафаккур ила ювиш.....	12
Кунни Аллоҳнинг неъматларига тайёр ҳолда қаршиланг.....	21
Хотиржамлик – Аллоҳга сиғинишда.....	26
Аллоҳ билан дардлашинг.....	36
Аллоҳ дардли бандасини яхши кўради.....	42
Аллоҳ Ўзи асрайди.....	52
Шукр неъматни зиёда қилади.....	54
Қаҳринг-да – хуш, лутфинг-да – хуш.....	57
Шайтоннинг ягона кучи, қуроли – васваса.....	63
Нафсни жазо ва насиҳат билан тарбиялаш.....	68
Барча нарса Аллоҳдан.....	81
Аллоҳ ризоси учун яшаш.....	89
Ўзаро муносабатларда Расулуллоҳ алайҳиссаломдан ўрнак олсак.....	96
Меҳр-муҳаббат диними ёки қўрқув дини?.....	111

Керагидан ортиқ қадрлаш яхшими?.....	119
Яхшиликнинг жавоби нима?.....	123
Аллоҳ саховатли бандасини суяди, дуосини ижобат қилади.....	126
Рашк аёлнинг фитратида бор.....	134
Аёл қадрин билмоқ ҳам бахтдир.....	139
Шайтон гуноҳкорсан, деб васваса қилади.....	143
Тавба гуноҳларни савобга алмаштира олади....	149
Тавба ризққа баракот қўшади.....	152
Истайсизми жаннат сизга ошиқ бўлсин.....	154
Аллоҳ — одил, бировнинг ҳақи бировда қолмайди.....	157
Тақдирни айбламанг.....	168
Душанбани яхши кўрганни Аллоҳ ҳам яхши кўради.....	175
Депрессиядан кўрқманг.....	177
Дарду мусибат – жаннат калити.....	196
Қисмат билан аразлашилмайди.....	201
Сўнгсўз.....	203

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан бошлайман.

Қўлингиздаги ушбу китобни ёзишга муяссар этган Раббимга ҳамду санолар бўлсин.

"Бандам менга нафллари ила яқинлашишда бардавом бўлса, Мен уни яхши кўраман. Мен уни яхши кўрсам, унинг эшитадиган қулоғи, кўрадиган кўзи, ушлайдиган қўли ва юрадиган оёғи бўламан. Мендан сўраса, албатта, унга бераман. Агар Мендан па-

ноҳ тиласа, уни, албатта, Ўз паноҳимга оламан. Хер бир нарсда мўминнинг жони ҳақида иккиланганимдек иккиланган эмасман. У ўлимни ёқтирмайди. Мен эса унга ёмонлик қилишни истамайман" (Худиси қудсий, Умол Бухорий ривояти).

Ушбу китобни ёзган камина Узур Кўшар ўртадаги васила – сабабги, холос. Лутф ва раҳмат соҳиби ёлғиз Аллоҳ таолодир.

Қаттиқ сиқилиб, бош олиб кетишга жой
қидирыяпсизми?

Бир қарорга келолмай, қай томон
юришни билмаяпсизми? Кимга, қаерга бор-
сам, деб ўйлаяпсизми?

Аллоҳ таоло сизга хушхабар бериб,
Ўзи томон шундай ҳорлайди:
"Аллоҳга қўлинг"

(Зориёт сураси, 50-оят).

СЎЗБОШИ

Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг бир қанча ўринларида марҳамат қилади: “Аллоҳга сиғининг”, “Аллоҳ сизларга етарлидир”, “Аллоҳдан бошқа дўст, У Зотдан бўлак ёрдамчи йўқ”.

Бугунгача сизларга Аллоҳга ибодат ила эришиладиган ҳузурни тушунтиришга, ҳис қилдиришга уриндим. Ҳақ таоло яна буюрадики: “**Аллоҳга қочинг...**” (Зориёт сураси, 50-оят).

Қўлингиздаги китобда У Зотнинг ана шу хитоби ҳақида сўз боради. Аллоҳ таоло айтмоқдаки: “Сизга азоб етмасдан олдин Раббингиздан паноҳ сўранг”. Биз эса, афсуски, аксар ҳолларда азобга дучор бўлганимиздан кейингина Аллоҳга сиғиндик. Ваҳоланки, Ҳақ таоло бизга: “Бирор машаққатга дучор бўлмасингиздан олдин Менга ибодат қилинг, Менга қайтинг”, демоқда.

Дарҳақиқат, мазкур оят бу дунёда ҳузур-ҳаловатга, нажотга, саодатга эришиш йўлини аниқ ифодаб берган. Менинг ниятим ҳам сизларнинг ғам-ташвишдан қутулиб, Аллоҳга қочингизга васила бўлишдир.

ЯНГИ КУН ОЛДИДАН: ЮЗНИ ТАФАККУР ИЛА ЮВИШ

Қадрли ўқувчим. Аллоҳ таолонинг лутфи ва илҳоми ҳамда сизларнинг дуоларингиз билан янги китобим чиқди, ҳисобсиз шукр.

Китоб ёзиш масаласида шошмайман. Ҳар ойда битта янги асар нашр эттирсак, ўқишингизга аминман. Завқу шавқ билан, кечиктирмасдан сотиб олишингиз ҳам шубҳасиз. Бироқ унда асарим раҳмоний руҳдан узоқ, таъсир кучи йўқ, шунчаки китоб бўлади, холос. Шунинг учун энг яқин дўстимиз бўлмиш Аллоҳ таоло изн берганидан, кўнглимга илҳом ато этганидан сўнггина бу сатрларни ёзаяпман.

Аллоҳ таоло пайғамбарлар алайҳимуссаломга ваҳий қилган бўлса, севимли бандалари қалбига илҳом соларкан. Каминага ҳам илҳом бериб, сизлар билан учраштириб тургани учун Ўзига ҳамду санолар бўлсин! Раббим сизларни жуда яхши кўради. У Зотнинг бу мислсиз севгисини ҳис этишингизга ожиз бир банда сифатида, иншааллоҳ, васила бўлгайман.

Инсон тафаккур қилиш билан кўзи тушган ҳар бир нарсада Парвардигори оламнинг куч-қудратини кўради. Шунинг учун ҳам тафаккурга катта аҳамият бераман. Нега? Чунки тафаккур севимли Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳаётларида муҳим ўрин тутган. Зеро, тафаккур инсон руҳини суғориб турадиган сув мисолидир. Намоз руҳни озиқлантирса, тафаккур уни суғориб туради.

Бир нарсани билишнинг ўзи руҳимизга ҳеч нарса бермайди, жисмимизга ҳам. Дейлик, овқат қорнимизни тўйдиришидан хабардормиз. Бироқ шу маълумот билан кифояланиб, уни емасак, бир муддатдан кейин ҳалок бўламиз.

Худди шу сингари, ҳеч бир ҳодиса Аллоҳнинг иродасидан ташқари бўлмаслигини биламиз. Энди бу ҳақиқатни онгимизга сингдириб олайликки, ундан руҳимиз озиқлансин. Шунда ҳар қандай қийин вазиятга дуч келганимизда ҳам эсанкираб қолмаймиз.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳар иш Аллоҳ таолонинг изни билан бўлишини ҳаммадан яхши билардилар. Бунини билибгина қолмай, Нур тоғидаги Ҳиро ғорига бориб, кунлаб тафаккур қилардилар, шундай эмасми?

Демак, бир илмни ўрганишдан ташқари уни ҳаётимизга татбиқ ҳам қилишимиз керак экан.

Модомики, Раббимиз: “Аллоҳга қочинг” дея хитоб қилаётган экан, келинг, тафаккур кўприги узра У Зот томон югурайлик. Чунки ҳозир тўхташ эмас, юриш ҳам эмас, айнан югуриш; югурганда

ҳам Аллоҳ таоло томон, хотиржамлик, ҳақиқий Дўстимиз томон чопиш вақтидир.

Шунинг учун ҳам кунни тафаккур билан бош-лашингизни тавсия қиламан. Ўзим руҳим покла-ниши ниятида ҳар янги тонгни шундай бошлай-ман. Бу менга шундай ҳузур бағишлайдики, таъ-рифига тил ожиз. Уни сиз ҳам ҳис этишингизни, бутун борлигингиз билан ундан баҳра олишин-гизни истайман.

Бунинг учун бомдод намозини ўқиб бўлгач, дераза олдига бориб пардаларни очамиз ва хо-нани Аллоҳ таолонинг нури билан ёритамиз. Бу пайтда қамашган кўзларимиз ёруғликка се-кин-аста мослашиши билан аввал осмонга қа-раймиз. Бошимиз узра осмонни, булутлар ва қушларни кўрамыз. Уларга боққанча шивирлай-миз: “Эй учаётган қуш, кўтарилган само, сизлар Аллоҳ таолонинг Қайюм (Ерни, осмонни ва бар-ча нарсани тутиб турувчи) сифати тажаллийси билангина турибсиз. Аслида, бунга ўзингизда ҳеч қандай куч ҳам, ирода ҳам йўқ”.

Энди эса борлиққа чуқур назар солиб, ундаги ҳар хил ранглар ҳақида тафаккур қиламиз. Бақа-ра сурасининг 138-ояти ёдимизга тушади: **“Ал-лоҳнинг “бўёғ”ини (лозим тутинг). Аллоҳдан кўра “бўёғ”и яхшироқ ким бор?!”**

Дарахтларнинг япроқларига қаранг – ям-яшил. Бундай яшилликни бошқа ҳеч қаерда уч-ратмайсиз. Бирор бўёқда бундай рангни топмай-сиз. Ўша дарахт танасининг жигарранг эканини

кўряпсизми? Тупроқнинг рангини-чи? Ўхшаши йўқ бундай гўзалликни яратган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин!

Одамларда ҳам шундай – кимдир оқ, бошқаси буғдойранг ва буларнинг барчаси Аллоҳнинг бўёғидир.

Уйингизда ўсаётган қулупнай, гилос, олма, шафтоли каби мевалар рангини олинг. Тарвузнинг қизиллигини қаерда учратиш мумкин? Балки булар ҳақида авваллари ҳам ўйлагандирсиз? Ҳозир эса уларга қараб туриб, “Раббим, бўёқларинг бунча ҳам чиройли!” деймиз.

Келинг, яна такрор борлиққа боқамиз ва одамлар, ҳайвонлар, бутун табиатни йўқдан бор қилган Аллоҳнинг (асли ва ўхшаши йўқ нарсаларни вужудга келтирувчи) Холиқлик васфига биргаликда гувоҳ бўламиз.

Аллоҳ таоло барча нарсаларни йўқдан бор қилди ва тартибга солди. Уларни бир-бирига уйғун равишда яратди. Қушга қанот ато этишида қанчалар мутаносиблик бор. Инсонга жисм лутф этиб, унга қўлларни, гавданинг энг тепа қисмига бошни, бошга эса кўзлар, бурун, қошлар ва оғизни жойлаштирди. Буларнинг бари Раббимизнинг Бориъ (ўрнав-намунасиз йўқдан вужудга келтирувчи) сифати тажаллийсидир.

Рассом жуда чиройли сурат чизиши мумкин, лекин барибир бирор намунага қараб ижод қилишига тўғри келади. Аллоҳ таоло эса ҳеч қандай ўрнавсиз яратади. Кўзимиз тушган ҳар бир

нарасада унинг Бориъ сифатини кўрамиз. Шундай онларда ўзимизни унутамиз. Юнус Эмро айтганидек, “Ўзингни унут, аслида, ундаги сен У Зотдир”. Биз айна дамда ана шу раҳмат тўла йўлдамиз. Ҳар нарсанинг яратувчиси Аллоҳ таоло эканига гувоҳ бўляпмиз.

Буддистларда медитация ҳолати мавжуд. Биз мусулмонлар эса тафаккур қилиш ва у орқали илоҳий раҳматга эришишимиз мумкин. Буддистлар ҳам медитация орқали нималаргадир гувоҳ бўлишади, лекин буларнинг бари беҳуда, бўшлиқ. Биз эса худди севимли Пайғамбаримиз алайҳиссалом каби Раббимизнинг куч-қудратига шоҳид бўламиз.

Буни бизга лутф этган Аллоҳ таолога ҳамдлар бўлсин! Ҳатто булар ҳақида ёзаётиб ҳам ўзимни жуда енгил ҳис қиляпман. Ўзига шукр.

Келинглари, энди Раббимизнинг Моликул мулк (барча нарсанинг ҳақиқий ва ягона эгаси) исмининг тажаллийсини кўриб чиқамиз. Кўчалардаги иморатлар, уйларга бир қаранг. Биз уларни бу Мустафонинг дўкони, наригиси Аҳмаднинг уйи, буниси меники дея шахсий мулк сифатида қабул қилардик. Аслида, уларнинг ҳаммаси, ҳозир ўтирган жойингиз, жисмингиз ва ҳатто олаётган нафасингиз Кимники? Албатта, оламлар эгаси Аллоҳ таолоники.

Нафсим ислоҳ бўлсин, дея эшигимга шундай ёзув осиб қўймоқчиман: “Бу уйнинг соҳиби Моликул мулк; Уғур Қўшар эса фақатгина ижарачидир”.

Аслида-ку, буни биламиз, лекин баъзан дунё-га чалғиб, ғафлатга тушамиз. Агар юқоридагидек ёзув бўлса, ҳар кирган-чиққанимда бу уйда ижарада турганимни такрор-такрор эслатади. Сизларга ҳам шундай қилиб кўришни тавсия этаман.

Нихоят, ўзимизни унутиб, У Зотга етишдик. Мана шу тарзда юзимизни тафаккур билан ювиб олдик.

Мен доим тонгни шундай бошлайман. Кейин Аллоҳ таоло бугун инъом этадиган ҳар қандай неъматни бажонидил қабул қилишни кўнглимга тугиб, уйдан чиқаман.

Эмгир ёгяпти деб ўйлаяпсизми? Ас-
лида, Аллоҳ азза ва жалла Ўзининг
Муқийт (моғдий ва маънавий ризқларни
яратувчи, бандаларини озиқлантирувчи, пар-
варши этувчи) сифатини намоён қилмоқда.
Дарахтлар, ўсимликлар, ҳашарот ва ҳай-
вонларни суғормоқда, озиқлантирмоқда.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом дедилар:
"Агар жониворлар бўлмаганида бир томчи
ҳам ёмғир ёзмасди"
(Ибн Можа ва Табароний ривояти).

Энди эса Аллоҳга сўяниб, барга ишларингиз ҳал бўлишини ўйлаб ҳуқур нафас олинг. Айти дамда олаётган нафасингиз уҳун ҳам шукр қилинг, токи бутун вужудингизни илоҳий муҳаббат ҳулғасин.

КУННИ АЛЛОҲНИНГ НЕЪМАТЛАРИГА ТАЙЁР ҲОЛДА ҚАРШИЛАНГ

Аллоҳ таоло бандаларини неъматлар билан сийлашни яхши кўради. Бу неъматларни сўраб юрган бўлсак, улардан баҳра олишимиз мумкин. Гафлатдан йироқ, яхши ниятлар билан юриш яшаш тарзингизга айланишини тилаб қоламан. Худди Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам сингари. У зот алайҳиссалом Аллоҳ таолодан келган ҳар қандай неъматни қабул қилишга тайёр ҳолда яшардилар. Шунинг учун уйдан чиқаётганда ушбу дуони ўқирдилар: **“Аллоҳнинг исми билан уйдан чиқдим. Аллоҳ менга кифоядир. Барча ишларимда ёлғиз Унга ишониб, Унгагина суянаман ва фақат Унга таваккал қилдим. Барча куч ва қудрат Уникидир”**.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳаётларининг ҳар лаҳзасида Аллоҳ таолонинг борлигини; нимаики ишга қўл урмасинлар, Аллоҳнинг ўзлари билан бирга эканини ҳис қилардилар.

Биз ҳам уйдан чиқаётганда мазкур дуони ўқиб, ортидан қуйидагича ният қилишимиз мумкин:

“Ё Аллоҳ, менга ато этадиганинг барча неъматларни қалбим билан қабул қилиб, улардаги барча хайрни кўра олишни насиб эт.

Менга ва аҳли оиламга Ўзинг рози бўлаган амалларни насиб эт. Сен рози бўлмайдиган амаллардан, ҳаромдан, хорланишдан, алданишдан, фитнадан, тўғри йўлдан тойиш ва тойдиришдан Ўзинг асра. Албатта, барча қудрат Сенга оиддир”.

Ўзига ҳисобсиз шукрлар бўлсин! Айни дамда дилимиздаги бор қулфлар ечилди. Ҳамма эшиклари очилган қалбимизни Аллоҳдан келадиган нур киришига тайёр ҳолатга келтирдик.

Уйдан таҳорат олиб чиқишни кундалик вазифага айлантириш жуда чиройли одат. Таҳоратли юрганимда Аллоҳ таоло барча ишларимда, хусусан, муаммоларимда кушойиш беради. Хаёлимга келмаган жойдан ечим ато этади.

Таҳоратли юриш ва қалбни Аллоҳдан келадиган неъматларга очик тутишнинг фойдаларини жуда кўп кўрганман. Уларни бу ерда бирма-бир санаб чиқсам, китобга сиғмайди, шунинг учун ҳам фақат биттасини айтиб бераман.

Бир сафар ишим судга тушди. Даъвогар томон алдов билан товон тўлашимни талаб қиларди. Адвокатим мени даъво аризаси билан таништирди. Бунчалик кўп ёлғон тўқиб ташлаш мумкинлигига ўшанда гувоҳ бўлдим. Кўп бор туҳматга учраганман, бундай ҳолатларга ўрганиб ҳам кетгандим, лекин бу сафарги айблов до-

имгиларидан фарқ қиларди. Бу гал ҳақимга тажовуз бўлаётганди. Мен фақат Аллоҳдан нажот кута бошладим. Чунки Ҳақ таолонинг адолатига имон келтирганлар ҳеч қачон зое бўлмайди.

Шундай қилиб, суд куни ҳам келди. Пешонамда борини кўраман, дедим. Қалбим Аллоҳдан келадиган ҳар қандай неъматга тайёр эди. Судга қарши тарафнинг на адвокати ва на даъвогарнинг ўзи келди. Жараёнда фақат мен томон иштирок этдик ва судья даъвони бекор қилди. Иш ёпилди.

Аллоҳнинг ҳикмати қаранг, буюк вакилим Раббим мени бу сафар ҳам Ўз ҳимоясига олди. Чунки суд бўладиган кунни адвокат ҳам, даъвогар ҳам унутиши мумкин эмас. Суд куни олдиндан белгилангач, қандай қилиб эсдан чиқаришлари мумкин? Демокриманки, гап бу ерда уларнинг хотираси чатоқлигида эмас, балки унуттирилгани ҳақида.

Ҳа, Аллоҳ таоло белгиланган санани даъвогарга, адвокатига ҳам унуттирган, илоҳий адолат қарор топганди. Барча нарсаларни билиб тургувчи Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин!

Очилган даъвонинг бекор қилинганидан ҳам кўра, Аллоҳнинг мен билан бирга эканлиги ҳиссидан бахтиёр эдим! Ҳаётимда ҳеч қачон бунчалик қувонмагандим.

Айнан мана шулар Раббимизнинг бизга ато этган неъматларидир. Мен ихлос ва таваккул ила Аллоҳнинг илоҳий адолатига сиғингандим.

Шу боисдан, шукрки, ҳар бир ҳодиса, ҳар ноҳақ-
ликни ўзимни мазлум ҳис этмаган ҳолда сўзлаб
бермоқдаман. Ниятим сизларнинг ҳам илоҳий
адолатга ишонишингизга эришиш.

Буларни мақтаниш учун гапирмадим. Аллоҳ
гувоҳки, ичингизга хотиржамлик, чехрангизга
табассум ва қалбингизга ҳузур киришига васила
бўлмоқ асосий мақсадимдир.

Эй қоронғиликдан кундузни ықарган,
ойдинликни эса қоронғилик билан қоплаган
Раббим. Сен кул ва қудратда барга
нарсадан устунсан! Биз бандаларингга
жамолингга эриштирадиган амалларни
бажаришни осон қил. Ўзинг рози бўладиган
бандаларинг сафига киргиз! Биз ўзимизни
унутганимизда, Сен бизни ўз ҳолимизга
ташлаб қўйма!

ХОТИРЖАМЛИК – АЛЛОҲГА СИҒИНИШДА

Ҳақиқий дўстимиз ва валийимиз – буюк Раббимиз биз бандаларига бундай хитоб қилади: “Агар бир бандамнинг бошига оғир мусибат тушиб, у Менга сиғинадиган бўлса, сўрамасидан олдин истагини ижобат қиламан. Агар бир бандамнинг бошига оғир мусибат тушганида Менга эмас, Мен яратган махлуқлардан бирортасига сиғинадиган бўлса, унинг учун осмондаги барча эшикларни ёпаман!”

Раббимизнинг “Бандам Менга сиғинадиган бўлса, сўрамасидан олдин истагини ижобат қиламан”, деган хитобини такрор-такрор ўқиб, қалбингизга муҳрлаб олишингизни истардим.

Юқорида айтганимдек, Аллоҳ таолодан келадиган неъматларни қабул қиладиган, ҳар лаҳзада У Зотни ёдга оладиган ҳолатдамиз. Ҳақ таоло сўрамасак ҳам бизга ато этмоқда. Агар Ундан сўраган пайтимизда бермаётган бўлса, демак, қандай сўраш кераклигини билмаётган эканмиз. Шундай эмасми?

Ваҳоланки, У Зотга сизинсак, сўрамасак ҳам ато қилаверади. Бошимдан ўтган суд жараёни бунга мисол. Чунки ўшанда “Аллоҳим, ушбу суд мажлисидан ҳақимни олиб бергин”, деб тиламагандим. Фақатгина Ўзига таваккул қилиб, Ундан нажот кутгандим. Раббим ҳам сўрамасимдан берганди. Бу ҳақида ҳикоя қиларканман, айнан мана шуни тушунтирмоқчи эдим.

Аллоҳга суяниш банда учун жуда муҳим ва бу ҳаётининг бир қисмига айланиши керак. Бунини Қуръони карим ҳам таълим беради.

Мана энди энг муҳим нуқтага келдик. Сизга шу пайтгача балки ҳеч эътибор бермаганингиз бир нарсани эслатмоқчиман. Қуръонни ўқиш тааввуз ва басмала билан бошланади, яъни: “Аллоҳдан қувилган шайтон (шарри)дан паноҳ сўрайман. Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳнинг номи ила бошлайман”.

Демак, биринчи қиладиган ишимиз паноҳ сўраш экан. Чунки Аллоҳ таоло бизга шундай қилишни уқтирмоқда.

Қуръондаги охирги сура – Нос сурасини ёдга оламиз: “(Эй Муҳаммад!) **Айтинг: “Паноҳ тилаб илтижо қилурман одамлар Парвардигорига, одамлар Подшоҳига, одамлар Илоҳига (инсон Аллоҳни эслаганда) чекиниб, (эсламаганда) васваса қилувчи (шайтон) ёвузлигиданки, (у) одамларнинг дилларига васваса солур. (Ўзи) жинлар ва одамлар жинсидандир”.**

Биз Аллоҳдан паноҳ сўраганимизда ҳам илоҳий адолат қарор топади. Яъни адолат қарор топсин десак, бутун борлиғимиз билан Аллоҳга суянишимиз лозим.

Шундай қилиб, биринчи бажарадиган ишимиз Аллоҳга суяниш бўлса, иккинчиси, У Зотдан келадиган ҳар қандай неъматларга қалбан ҳозир бўлишдир.

Севимли Пайғамбаримиз алайҳиссалом дуо қилганда “уни бер, буни бер, ана у ишим ундай бўлсин, буниси бундай”, деб сўрамасдилар. Келинг, у зотнинг Аллоҳ таолодан қай тарзда паноҳ сўраганларини билиб оламиз. Билибгина қолмай, ўрганишингиз ҳам мумкин. Шояд, шундан сўнг ҳаётингиз ўзгариб кетса.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дуо қилган эканлар:

“Аллоҳим! Мен Сендан ғам ва маҳзунликдан, ожизлик ва дангасаликдан, қўрқоқлик ва бахилликдан, қарзга ботиб қолишдан ва одамларнинг менга ғолиб бўлишидан паноҳ сўрайман” (Абу Довуд ривояти);

“Балонинг шиддатидан, бадбахтлик етишидан, қазонинг ёмонлигидан ва душманларнинг сўкишидан Аллоҳдан паноҳ сўрайман” (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти);

“Аллоҳим! Албатта, мен Сендан ожизликдан, дангасаликдан, бахилликдан, ўта қарилликдан ва қабр азобидан паноҳ сўрайман. Нафсимга тақвосини бер ва уни барча гуноҳлардан

покла, Ўзинг энг яхши покловчисан. Нафсимнинг мавлоси Сенсан, уни тарбия қилиб ҳидоят этгувчи ҳам фақат Ўзингсан! Ё Аллоҳ, фойдасиз илмдан, қўрқмайдиган қалбдан, тўймайдиган нафсдан ва қабул бўлмайдиган дуодан паноҳ беришингни сўрайман” (Имом Муслим ривояти);

“Ё Аллоҳ, Сендан қашшоқликдан, етишмовчиликдан, хорликдан, бировга зулм қилишдан ёки зулм қилинишдан паноҳ тилайман” (Ибн Можа ривояти);

“Ё Аллоҳ, моховлик, жиннилик ва песлик, ёмон касалликлардан паноҳ беришингни сўрайман!” (Абу Довуд ривояти);

“Ё Аллоҳ, Сендан ёмон кундан, ёмон тундан, ёмон соатдан, ёмон дўстдан ва бу дунёдаги ёмон қўшнидан паноҳ сўраймиз!” (Табароний ривояти).

Албатта, булар Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан ривоят қилинган дуоларнинг бир нечтаси, холос. Кўриб турганингиздек, у зоти бобарокот хоҳ хасталик, хоҳ қисмат, хоҳ ризқ масаласида ташвишлансалар, Аллоҳнинг паноҳига сиғинар ва дуоларининг ижобатига амин бўлардилар.

Банда ожизлигини идрок этиб, Раббидан паноҳ сўраса, Аллоҳ таоло Ўзининг Азиз (барчанинг устидан ғолиб, Ундан бирор нарса ғолиб келолмайди) сифатини намоён қилади.

Биз исталган вақтда мағлуб бўлишимиз мумкин, чунки куч ва қудратга эга эмасмиз. Куч-қуд-

ратнинг ягона Соҳиби Аллоҳ таолодир. Буларни англаб туриб юкунган бандасини Ҳақ таоло неъматлари билан сийлайди.

Афсуски, “шахсий брендни яратиш ва ривожлантириш” ниқоби остида бизни Аллоҳ таолодан буткул узоқлаштириш ва таваккул ила Унга суянишни унуттириш учун илгари сурилаётган айрим фикрлар ғарбона ғоялардир. Аслида эса, ўз шахсий брендимизни эмас, балки руҳиятимизни камол топтиришимиз керак.

“Шахсий брендни яратиш ва ривожлантириш” тушунчаси инсонни кучли бўлишга ундайди, таъбир жоиз бўлса, одамга электр қувватини беришдек гап. “Сен бу ишни эплaysан”, “қўлингдан ҳамма нарса келади, “буни қила оласан”, “бу иш сен учун ҳеч нарса эмас”, каби руҳлантирувчи гаплар билан ўша инсонга **“Мен”** тушунчаси сингдириб борилади.

Ёдингизда бўлса, биз **“Мен”** тушунчасидан йироқлашиш ҳақида суҳбатлашган эдик. Юнус Эмро ҳазратлари: “Ўз “Мен”ингни унут, зеро, ундаги сен У Зотдир”, деганда инсон Аллоҳнинг мададисиз ҳеч ким эмаслиги, киши ўз “Мен”ини жонлантириш орқали Аллоҳ билан ўртасида девор пайдо қилишини назарда тутган. **Чунки “Мен” нафснинг исмидир.**

Ваҳоланки, кўпчилик “мотиватор тренинги”лар нима қиляпти? Бизни ҳаётдаги ҳамма нарсани ёлғиз ўзимиз эплays олишимиз ҳақидаги хатарли сафсатага ишонтирмоқчи бўляпти!

Уларнинг “шахсий брендни яратиш” деган жим-жимадор сўзларидан мақсад айнан шу – “Мен” деган нафсни гиж-гижлаш. Аммо севимли Пайғамбаримиз алайҳиссалом (эътибор беринг, оддий инсон эмас, пайғамбар ҳақида гапиряпмиз), Тоифда оғир аҳволга тушиб қолганларида шундай дея дуога қўл очгандилар: **“Аллоҳим, мен ожиз ва ночорман. Ҳеч қандай кучга ҳам, қудратга ҳам эга эмасман. Куч ва қудратнинг ягона Соҳиби – Сендан паноҳ сўрайман”**.

Энди ўзимизга назар солайлик. “Мен қиламан!” “Мен эплайман!” Ҳой барака топгур, сен ўзи кимсан? Ёлғиз ўзинг нимага қодирсан?

Анавилар эса тиришиб-тирмашиб, бизга ўз ғояларини уқтириб ётибди. Нима эмиш, ҳаётимизни ўзгартирармиш...

“Шахсий брендни ривожлантириш” тушунчаси сизга ўзингизни “бахтлиман”, десангиз бахтиёр бўласиз, “соғломман”, десангиз соғайиб қоласиз, “бой-бадавлатман”, десангиз бойиб кетасиз, “ҳаётимда барча нарса кўнгилдагидек”, десангиз ҳаммаси жойига тушиб кетади, деб ишонтираверади.

Бундай ҳолатлардан қаттиқ ранжийман. Чунки бу ишлар бизни ғафлатда қолдириш учун қилинмоқда.

Ҳолбуки, бизга Раббимизга қандай дуо қилиш ўргатилди. Дуонинг ижобати борасида ёлғиз Ўзига таваккулда бўлиш таълим берилди.

Бирортамизга касаллик етса, қўлларимизни дуога очиб, Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг Шофий исми билан Ўзидан шифо сўраймиз. Чунки ҳадеб “соғломман-соғломман” деяверган билан соғайиб қолмаймиз!

Агар қарздор бўлсак, Аллоҳ таолонинг Раззоқ исми билан Ўзидан ризқ-рўз тилаймиз.

Бошимизга бирор ташвиш тушса, “Эй Фаттоҳ!” дея ўзимиз учун хайрли бўлган эшикларни очишини сўраб, дуо қиламиз. Сўнг қўлларимизни юзларимизга суриб “омин” деймиз. Руҳиятни камол топтириш дегани шу аслида. Ўзингизга ниманидир уқтиравериш билан бирор натижага эришиб бўлмайди. Чунки Аллоҳ таоло “Бўл!” демагунча бандаси инон-ихтиёри билан бирор нарсa қилишга қодир эмас. Сингдирилаётган мазкур ғоя эса бизни Аллоҳдан узоқлаштиришга хизмат қилди. Барча нарсани ўзимиз бажариш ҳаракатига тушдик.

Ёш бола чақмоқ қаттиқ чақиб, осмон гумбурлаганида нима қилади? Қўрққанидан дарҳол онасининг бағрига отилади. Шундан сўнг қўрқуви ариб, хотиржам уйқуга кетади. Мана шу ҳолат ҳам таваккул дейилади. Чунки бола онасининг ҳимоясида эканига ишонади. Буни мутлоқ таваккул деса ҳам бўлади. Аслида, онанинг хатарли ҳолатларда боласини тўлиқ ҳимоя қила олиш имкони йўқ. Лекин бу мустаҳкам ишонч билан онаси бағрига отилган боланинг хаёлига ҳам келмайди. У учун шу қучоқда бўлишининг ўзи кифоя.

Худди шунингдек, биз ҳам қандай қўрқувимиз ёки мушкулимиз бўлмасин, худди маъсум болалик пайтимиздагидек Аллоҳдан паноҳ сўрасак, У Зот қалбимизга офият солиб, тинчлик, хотиржамлик ва енгилликка етказади, иншааллоҳ.

Аллоҳ дея йўлга чиққан эрим
йўлда қоларми?

Унсон қанғалик төлеи баланд, қанғалик
руҳан тетик бўлмасин, барибир йиқилади.
Хар бир нарсани тутиб тургувчи Қайюм
Зотдан паноҳ сўраганина оёқда қолади.

АЛЛОҲ БИЛАН ДАРДЛАШИНГ

Дардингизни Аллоҳга айтинг. Чунки У Зот мушкулини Ўзига ҳавола қилган, бошига бирор мусибат тушганда паноҳ сўраган ихлосли қулини яхши кўради. Бундай бандасига неъмат эшикларини очиб, илоҳий раҳмати билан қуршаб олади.

Худди онамиз каби... Қийналсак, ҳаммадан олдин шу одамни кўргимиз, гаплашгимиз келади. Онамиз диққат билан бизни тинглайди, дардимизга дармон бўлишга бутун қалби билан интилади. Бисотидаги энг яхши нарсаларни, керак бўлса, жонини иккиланмай қўлимизга тутқазди. Шундай эмасми?

Ёқтирган Таомлар тайёрлайди. Атрофимизда парвона бўлади. Таскин-тасалли беради. Шу билан бирга, болам мени ўзига яқин олиб, ҳасратлашгани келибди, дея кўнгли ҳам кўтарилади.

Шу маънода, яккаю ягона дўстимиз бўлган Аллоҳ таоло ҳам қулларининг қўл очиб, чин кўнгилдан Ўзига илтижо қилишини яхши кўради. Бандам бошига мусибат тушиши билан Мени

эслади, ғамини ҳавола этиб, Мендан ечим, мадад кутмоқда, дея хушнуд бўлади.

Жалолиддин Румий ҳазратлари “Маснавий”-да банданинг Аллоҳ азза ва жалла билан дардлашишини ажойиб таърифлайди:

“Қанча-қанча одамлар борки, кўзёш тўкиб, ялиниб-ёлвориб Аллоҳга дуолар қилади. Уларнинг оҳу зори осмон қадар юксакларга кўтарилади. Дуоларини эшитган фаришталар Аллоҳга шундай нидо қиладилар: “Эй дуоларни ижобат этгувчи Аллоҳ, фалон мўмин банданг Сенга ёлвормоқда, Сендан ўзгага ишонмай, ёлғиз Сенга суянмоқда, Сендан ўзга илоҳ йўқлигига имон келтирмоқда. Раббимиз, Сен имон келтирмаганларга ҳисобсиз неъматлар ато этасан, нега бу бандангнинг сўраганини бермаяпсан?”

Аллоҳ таоло жавоб беради: “Сўраганини беришни кечиктиришим мўмин бандамни гуноҳкор ва наст кўрганимдан эмас. Бунда унинг учун лутфу эҳсон, мадад ва марҳамат бор. Бандамнинг Мендан тилаётган нарсаси уни ғафлат уйқусидан уйғотди. Ўзи билан овора бўлиб, Мени унутиб юрганида эҳтиёжлари сочларидан тугтиб-тортқилаб, ҳузуримга етаклади. Менга ёлворадиган ҳолатга келтирди ва Менга яқинлаштирди. Агар истаганини дарҳол берсам, Мени тезда унутади ва ёш боладек дунё ўйинларига берилиб кетади.

Ич-ичидан, юраги ёниб, хокисорлик, синиқ қалб билан кўзёш тўкиб, “Эй Раббим”, “Эй Ал-

лоҳим”, деб инграшини, юрагини эзаётган дарду аламларини тўкиб солишини яхши кўраман.

Менга ёлвориб, қалбини очиб, бошидан ўтганларини айтиб, ўзининг ҳақлигини кўрсатишга уриниб, қўлидан келган барча чорани қўллаб, Мени ишонтиришга, кўндиришга ҳаракат қил-япти.

Тўти ёки булбулни, уларнинг хуш овози учун қафасга солишади. Бироқ бойўғлини ким ҳам қафасга соларди? Бундай қилинганини на биров кўрган, на эшитган. Мўминнинг, хоҳ у яхши бўлсин, хоҳ ёмон, дуоси кеч ижобат этилишининг сабаби шудир”.

Дарҳақиқат, ҳаётга қалб кўзи билан қарайдиганлар Аллоҳ ва ўзи ўртасидаги бундай яқинликни, муҳаббатни ҳис қилиб туради.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган ҳадисда айтилади: **“Аллоҳ таоло бир бандани яхши кўрса, унинг ёлворишини эшитиш учун ташвишлар билан синайди”** (Байҳақий ривояти).

Булар ҳақида билиб олгач, сиз ҳам ғам-ташвишга, дарду мусибатларга валийлардек қарайдиган бўлдингиз. Чунки энди биласизки, Аллоҳ бошига мусибат тушган бандасини яхши кўради.

Ғам-ташвишлар сизга инъом этилган
ҳадяларнинг ҳамроҳидир. Қаранг, Аллоҳ
таоло ҳадя берибди, шукр қилсангиз, ҳадян-
гиз оғилади. Муаммолар, ташвишлар
суннатдир. Тайғамбаримиз соллаллоҳу
алайҳи ва салламнинг мерослари ҳамда
Аллоҳ таолонинг неъматидир.

Алҳамдулиллаҳ!

Мусибатларда инсон ақли етмайдиган
яширин ҳикматлар мавжуд. Банда бу
ҳикматларни англаб етганида эди, муси-
батсиз ўтган кунлари уғун нафомат чеккан
бўларди. Аллоҳ таоло бандасининг
Ўзига ялиниб-ёлворишини яхши кўради.
Бандам Мен билан дардлашмоқда,
деб себинади.

Кўряпсизми, бошингизга тушган мусибат
бир лаҳзада ҳузурга, устингизда тикандек
турган бало эса ғулга айланди. Ташвишга
йўлиққан онингиз уни муносиб ва ҳуш қарши
олинг. Аллоҳ таоло: "Бандам Мен
юборган синовни яхши кутиб олди", десин.

Эй мўминлар, банда, ўйлаб кўринг,
синовни сизга

Раббингиз юбормоқда, демак,
У Зот сизга марҳамат кўрсатмоқда.

Бошингизга келган имтиҳонларда
Аршининг бўйи, фаришталарнинг нури бор.
Шикоятдан тўхтаб, синовга теран назар
ташланг, унинг замиридаги раҳмат нурини
кўринг ҳамда ўша нурга шундай буржанингни,
жон-танингизга сингиб кетсин.

Кўлни дуога олиб: "Раббим, қара, қандай
мусибатларга йўлиқдим!.." дея илтижо
қилишдек ҳузур бағишловчи нарсаси йўқ.

АЛЛОҲ ДАРДЛИ БАНДАСИНИ ЯХШИ КЎРАДИ

“Эронлик валийлардан бўлган Абу Исҳоқ Шерозий деди:

– Аллоҳ таоло бирор бандасини яхши кўрса, унга икки неъмат беришни ирода қилади. Биринчиси, Ўзи суйган бошқа бир қулини, яъни ҳақиқий Ислом олимини, валий зотни танитиб, унга яқин қилади. Иккинчи неъматини ўша бандасини одамларнинг дунёси ёки охиратига фойдали бўлган иш билан машғул этиб қўяди.

Сўрашди:

– Агарда Аллоҳ у бандасини яна ҳам кўпроқ яхши кўрса-чи?

– Унда синов сифатида мусибат ва балолар юборади, – деди Абу Исҳоқ.

– Аллоҳ Ўзи яхши кўрган бандасига ҳам машаққатлар юбориши мумкинми, ҳазрат?

– Ҳа, аммо улар синовни неъмат деб қабул қиладиган инсонлардир. Бошларига келган бу савдоларни Аллоҳ билан ўзларини боғлайдиган арқонга ўхшатишади, яъни Аллоҳ таоло яхши кўрган бандаларини шу йўл билан Ўзига яқинлаштиради”.

Мусо алайҳиссалом Аллоҳ таолога бундай муножот қилдилар: “Ё Аллоҳ, мўмин банданг Сенга итоат қилиб гуноҳларни тарк этади, аммо шунда ҳам бу дунё неъматларидан маҳрум бўлиб, кўплаб оғир мусибатларга учрайди. Бироқ Сенга бўйсунмай, гуноҳлар ботқоғига ботиб юрганлар дунё неъматларига кўмилиб яшайди. Бунинг сабаби нима?” Аллоҳ таоло хитоб қилди: “Сен айтаётган ўша ҳар икки банда ҳам, юборилган мусибатлар ҳам Меники. Бандам шукр айтиб, Мени нуқсонлардан поклайди. Мўмин бандам бирор гуноҳга қўл урса, ўша гуноҳига каффорат бўлиши учун фоний дунёда уни неъматлардан маҳрум этиб, мусибатлар бераман. Охиратда ҳузуримга келганида эса қилган солиҳ амалларининг мукофоти билан сийлайман. Кофир бандам Қиёмат куни ҳузуримга келганида гуноҳларига яраша жазолаш учун унга дунё неъматларини мўл-кўл бераман, бало-қазоларни йироқлаштираман”.

Баъзан мусибат етган чоғда “Эй Аллоҳ, нега менга бунча мусибатни беряпсан? Ахир фақат Сенга имон келтириб, доим Ўзингга дуодаман-ку! Лекин Сенга ишонмайдиганлар, бирор марта ёлвормайдиганлар ҳузур-ҳаловатда яшайди. Нега бундай?” деб юборамиз. Бу саволимизга жавобни юқоридаги ривоятдан оламиз. Кимнингдир бошига оғир савдо тушдими, демек, Аллоҳ ўша бандасини яхши кўради. Биз бу ҳолатга ўткинчи дунё назари билан боқиб хафа бўламиз. Бироқ охират нигоҳи билан қарасак,

унинг замиридаги ҳақиқатни англаб қалбимиз қувонади.

Севимли Пайғамбаримиз алайҳиссалом Табароний ривоят қилган ҳадисда айтадилар: **“Аллоҳ таоло қачонки бир бандани яхши кўрса, уни бало билан синайди”**.

Хуллас, бало-қазолар банданинг Ҳақ таоло муҳаббатига лойиқ ёки лойиқ эмаслигини ўзига кўрсатиш, унинг ихлосини тасдиқлаш учун келади. Бу ҳасталик, ризқ-рўз масаласидаги танглик, одамлар билан ўзаро муносабатлардаги қийинчиликлар кўринишида бўлиши ҳам мумкин. Касаллик ва ўзаро муносабатлардаги синовлардан сабр, ризқ борасидаги имтиҳонлардан эса шукр билан ўтилади.

Инсон қалби муҳаббат ва дард билан
улғаяди, руҳи камолга етади ва шунга кўра
Аллоҳнинг ҳузурда ўз мақом ва даража-
сига эга бўлади. Ушбу сўзларнинг ботинига
чуқурроқ назар солсангиз, бой бердим деган
жойингизда қўлга киритганингизни англай-
сиз. Парк этилиб, ҳақингизга хиёнат
қилганида Аллоҳ сизга сабр беради.
Ўзингиздаги, қалбингизни ёритадиган бу
сабрни У Зот сиз уғун яратган. Айни шу
сабр қалбингизни ёритади, Раббингиз ҳузу-
ридаги мақомингиз эса юксалиб бораверади
ва аксинча, ҳақингизга хиёнат қилганлар
тобора пастлашиб кетаверади. Шунинг
уғун ҳам Аллоҳ мусибат етган бандасини
яхши кўради.

Эй бало билан мушибатланган биродар,
"Аллоҳнинг Ўзи етарли ва Ў қандай
ҳам яхши Вакил" (Оли Имрон сураси,
173-оят), деган илоҳий хитобни эшитма-
ганмисиз? Унда нега бунга ташвишланиб,
дард чекалмисиз? Аллоҳ таоло сизни олмос,
мушибатларни эса олмосга шилов берадиган
воситалар сифатида яратди. Бу воси-
та сизнинг ялтираб, порлашингизга, нур

соғишингизга ёрдам беради. Айримлар бу дунёни сиз уғун жаннатга ёки жаҳаннамга айлантириши мумкин. Хар қандай хосиятсиз нарсадан Аллоҳдан паноҳ сўраганлар Раббининг ҳимоясида бўлади. Шундай экан, ҳеҳ қачон умидсизликка тушманг. Энг оғир кунда ҳам қалбингиз "Аллоҳ буюкдир" калимаси билан уриб турсин.

Нега ўзингни қийнаясиз, биродарим?
Аслида, ҳаёт мана шу балолар, савдолар-
дан иборат. Қани, айтинг-чи, Аллоҳга се-
вимли қайси банда ғам-ташвишсиз яшаган?
Фақат ҳузур-ҳаловатда умр кечирган би-
рор пайғамбарни биласизми? Сиз ўтқинчи
нарсга учун куюниш ўрнига себининг! Аллоҳ
мусибатланган бандасини яхши кўради,
унинг мукофотини жаннатларида ато эта-
ди. Эй балога йўлиққанлар, бу синовнинг

ҳикматини англади. У бўлмаганида жим-
житлик қаърида қолардингиз. Бошингиз-
га келган мана шу савдо сизни Аллоҳга
яқинлаштирди, Раббингизга етиштирди.
Хар гал бирор мусибатга йўлиққанда унга
теран назар солсангиз, шундай дейди: "Мен
баломан, мақомингни кўтариш учун келдим.
Сенга ажру савоблар келтирдим. Менга
йўлиққаниннга рози бўлгинки, Раббинг ҳам
сендан рози бўлсин".

Агар бандага юборилган балолар хайрсиз
бўлганида эди, пайғамбарлар ундан омон
қолган бўлардилар. Чунки ҳар бир дард
инсон руҳига дармонун шифо билан бирга-
ликда келади. Бошингизга боло-қазолар
ёпирилса, худди жала қўйганида пана жой
излаб қолгандек қолманг. Ўша боло-қазо
келтирган раҳмат бошингизга ёғилсин, қў-
йиб беринг. Бутун вужудингизга ёғилсин.
Хақ йўлида юраётганингизни кўрганингиз
сайин Буюк Раббингизнинг сиздек ожиз
бандасига қилган қаҳри ҳам, лутфи ҳам
нақадар ёқимли эканига гувоҳ бўлаверасиз.
Мусибатга кўтилдим, деб зорланаётган

азиз биродарим, Аллоҳ таоло зулматда қолган бандасини Ўз нури билан ёруғликка олиб чиқади. Агарда бошингизга бу синовлар келмаганида ойдинликка қандай етардингиз? Оҳу зорингизни Аллоҳ эшитмайди дейсизми? Балолар сабабли ҳекаётган аламларингиз Унинг ҳузурда мақомингизни кўтармоқда, Ўзига борган сари яқинлаштирмоқда ва шунинг учун ҳам дуоларингиз ижобатини келиктирмоқда. У Зотдек содиқ дўст йўқ. Биз бандаларини синовдан ўтказаятганда ҳам, албатта, Ўзи бизга ғамхўрлик қилади.

АЛЛОҲ ЎЗИ АСРАЙДИ

Дарҳақиқат, Аллоҳ доимо бизни Ўз паноҳида сақлайди. У Зот бизга танлаш имконини берган. Яъни ҳаётимизга кирадиган инсонларни ўзимиз танлаймиз. Бироқ улардан озор етганида бизни яхши кўрган Раббимиз дилимизни ранжитганларни Ўзи ёнимиздан узоқлаштиради.

Шу ўринда менга ёқадиган бир иборани келтиришни жоиз топдим: “Аллоҳ баъзан қўлимиздан хайрсиз нарсани, ўрнига хайрлисини бериш учун, олиб қўяди”.

Лекин бунинг маъносини ҳали ҳам англаб етолмаганимиз бор гап. Чунки “Қанчалик кўп дуо қилсам ҳам, қабул бўлмаяпти”, деб нолиганларни кўп кўрганман.

Исро сурасининг 11-оятида келади: **“Инсон яхшиликка дуо қилганидек, ёмонликка ҳам дуо қилур. Инсон шошқалоқ бўлгандир”**.

Ушбу оят орқали бандаларини яхши билувчи Ҳақ таоло бизни огоҳлантирмоқда. Яъни: “Эй бандам, ташлаб кетган жуфти ҳалолингни ёнингга қайтаришим учун дуо қиляпсан. Аммо унда сен учун яхшилик йўқ. Зарар бор, холос. У

сени бахтли қилолмайди, шу кунгача ҳам қилмади. Сен бўлсанг ҳали ҳам уни хайрли деб ўйлаб, қайтишини истаяпсан. Эй бандам, шу ҳаракатинг билан очик-ойдин ёмонликни сўраяпсан.

Шошқалоқлик қилма. Яна биров кут. Сўровларинг жавобсиз қолаётгани сени унутиб қўйдим дегани эмас, аксинча, дуоларинг эвазига ажру савоблар беряпман. Ўша бандамни сендан узоқлаштириб, қайтиб келмаслигини ирода қилиб, унинг ёмонлигидан омонликда сақлаяпман.

Агар дуоларингни ижобат қиладиган бўлсам, у қулим соғлигингга путур етказади, оғир аҳволга солади. Сени бу балолардан асраяпман ва ундан яхшироғини ато этаман”.

Юқоридаги оят орқали Раббимиз бизга айнан шундай хитоб қилмоқда. Мисол ёрдамида буни яна ҳам равшан тушуниб олдик, уйғондик, шундайми? Агар бу каби ҳолатларда шайтонга йўл берсак, “Раббинг дуойингни эшитмаяпти, сен Ундан узилиб қолгансан”, деб васваса қилиб, осонгина йўлдан оздиради.

Аслида, ҳаётимизни тарк этган ўша одамни ўзимиз танлагандик. У билан бахтли бўлолмагач эса, Аллоҳни айблашга, пешонам шўр, тақдир бешафқат экан, дея исён қилишга тушгандик...

Мазкур ўринда Анфол сурасининг 51-оятини келтиришни маъқул кўрдик: **“Бу қўлларингиз тақдим қилган нарса туфайлидир. Албатта, Аллоҳ бандаларига ҳеч зулм қилгувчи эмасдир”.**

ШУКР НЕЪМАТНИ ЗИЁДА ҚИЛАДИ

Шукр қилишнинг айна вақти, тўғри эмасми? Юқорида ҳам келтирганимдек: “Бошингга тушган мусибатлар сенга инъом этилган неъматларнинг ҳамроҳидир. Аллоҳ таоло ўз неъматини ато этиши учун сени балолаган экан, шоядки, шукр қилсанг ва неъматга эришсанг”.

Аллоҳ таоло Нисо сурасининг 147-оятида шукр ортидан келадиган роҳатнинг хушхабарини беради: **“Агар шукр қилсангиз ва имон келтирсангиз, Аллоҳ сизни азоблаб нима қилади?! Аллоҳ Шакур (оз амал учун кўп савоб берувчи) ва билувчи Зотдир”**.

Демак, ҳамма муаммо У Зотга шукр ва ҳамд айтмаслигимизда экан. Ёдингизда бўлса, бундан олдинроқ ҳам ҳамд айтиш ҳақида сўз юритгандик. Энди бу мавзуга батафсилроқ тўхталамиз.

Бошингга мусибат тушганда уни фақат азоб-уқубатдан иборат деб қабул қилмаслик керак. Чунки ҳар қандай бало ўзи билан, албатта, бир хайрни келтиради. Ёнида сенга аталган қандайдир мукофот билан келади. Илк онларда буни

кўриш имконсиз, лекин хайр борлиги шубҳасиз. Мусибат билан келган неъматга эса фақат шу мусибатга шукр қилиш орқали эришилади.

Шундай экан, бошимизга қандай бало келса ҳам, Аллоҳ биз биланлигини ҳис этиб, Унга чин дилдан ҳамду сано айтайлик. Бу синовнинг Раббимиз ҳузуриданлигини, Бизга марҳамат кўрсатиб шундай мусибат юборганини эътироф қилайлик. У Зотнинг Ўзи биз учун нима хайрли эканини яхши билади, дея ожизлигимизни тан олайлик.

Шундан кейин нималар юз беришини билсангиз эди! Аммо буни фақат чин қалбдан таслим бўлсангизгина кўра оласиз. Ҳаётингиз ижобий томонга ўзгарганига шоҳид бўласиз.

Нисо сурасининг 147-оятини эсланг: **“Агар шукр қилсангиз ва имон келтирсангиз, Аллоҳ сизни азоблаб нима қилади?!”** Шундай экан, мусибатли онларда қиладиган ишимиз ич-ичимиздан самимий шукр қилиш, Ўзига ҳамд айтиш бўлсин.

Усён қилиш шайтондан,
ҳамд айтиш Раҳмондандир.

ҚАҲРИНГ-ДА – ХУШ, ЛУТФИНГ-ДА – ХУШ

Аллоҳ аzza ва жалла бандаларига доим яхшиликни истайди. Лекин биз қалб кўзи билан боқмаганимиз учун буни англолмаймиз.

У Зот бизни севади. Агар шундай бўлмаса, дардимизни эшитишни истармиди? Айнан Ўзига арзи ҳол қилишимизни яхши кўрармиди?

Таваккул соҳиблари Ҳақ таоло қаҳрида У Зотнинг лутфини ҳам кўра олишади. Раббим қаҳр қилди деб, шу гапга ёпишиб олишмайди. Бошларига тушган ҳар қандай дарду бало, қийинчилик, машаққат ортида, албатта, енгиллик, Аллоҳнинг лутфи ҳам борлигини яхши билишади.

Шунинг учун ҳам, ҳамд айтиб, неъматга умид қилган мукофотга, мусибатнинг ўзига эътибор қаратган қайғуга эга бўлади.

Шу ўринда ёқтирган бир ҳикоямни келтирсам. Кекса аёл қадимий буюмлар дўконидан неча асрлик финжон сотиб олди ва меҳмонхона жавонига қўйди. Бежирим шакли, нақшлар ва уларга берилган ранглар финжоннинг асл санъат асари эканидан далолат бериб турарди. Аёл тўлаган пулини эслади ва “Ҳеч ҳам қиммат

эмас”, деди ўзига-ўзи. Завқ билан томоша қиларкан, финжон бирдан тилга кирди: “Менга ҳайрат билан қараётганингни билиб турибман. Тўғриси, олдин бошқача эдим. Чеккан азоб-уқубатларим туфайли шундай кўринишга келдим”. Аёл ҳайратдан дудуқланиб қолди: “Бўлиши мумкин эмас! Ҳеч нарсани тушунмаяпман”. Финжон сўзида давом этди: “Мен, аслида, лой эдим. Бир устанинг қўлига тушдим, аввал эзиб, сиқиб, уриб, яхшилаб ишлов берди. Азобларга чидолмай “Бас қил!” деб бақирдим. “Бироз чида”, деди уста кулимсираб. Кейин мени тахта устига қўйди. Ўша жойда айланавердим, айланавердим... Кўзларим тинганча қичқирдим: “Тўхтатсанг-чи, бошқа чидолмайман!” Уста хотиржамлик билан “Ҳали бор”, деди ва бу сафар мени ўчоқ ичига қўйди. Эшигини ёпиб, оловини баландлатди. Ўчоқ ойнасидан устани кўриб турардим, олов эса кучайгандан кучаярди. Хаёлимдан мени ёқиб ўлдирса керак деган фикр ўтди. Бор кучим билан ўчоқ деворларини ура бошладим: “Чиқариб юбор! Чиқариб юбор!” У эса пинагини ҳам бузмади. Чамаси бир соатлардан сўнг оловдан қутулдим. Энди уста бўяшни бошлади. Бунга сари қитиғим келарди. Устага айтган эдим, “Озгина қолди”, деди тинчлантирадиган оҳангда. Кейин мени эҳтиёткорона тутиб, яна ўчоқ томон юрди. Бунни кўриб юрагим ёрилаёзди. “Йўқ! Илтимос, мени яна ўтга отма!” деб бақиришга тушдим. Уста парво ҳам қилмади, оловни аввалгидан ҳам кўтариб

қўйди. Ойнадан қараб ялиниб-ёлвордим, лекин ўша эски жавобни эшитдим: “Яна бироз бор”. Фақат бу гал устанинг кўзларидан икки томчи ёш думалаб тушганини кўрдим. Охирги нафасимни оляпман, деб ўйлаётган ҳам эдимки, ўчоқ эшиги очилиб, таниш қўллар мени ташқарига чиқарди. Жавоннинг энг юқори қисмига қўйиб, деди: “Мана энди худди истаганимдек бўлдинг. Ўзингни кўришни хоҳлайсанми? “Ҳа”, деган жавобимдан кейин қаршимга кўзгу қўйди. Кўзларимга ишонмай, аксимга такрор-такрор қарайвердим ва: “Бу ростдан ҳам менманми? Ахир, боягина бир парча лой эдим-ку!” дедим ҳайратланиб. “Ҳа, бу сенсан, – жилмайди уста. – Шунча машаққатлардан кейин ажойиб финжонга айландинг. Агарда сенга ишлов бермаганимда эди, бир парча лойлигингча қуриб қолган бўлардинг. Айлантирадиган ускунага қўймасам, янчилиб, тупроққа айланардинг. Ўчоққа кирмасанг, синиб кетардинг. Бўямасам, ҳаётинг рангсиз ўтарди. Бироқ буларнинг ҳаммаси бир томон, иккинчи марта ўчоққа киришинг бир томон бўлди. Мана, ниҳоят хоҳлаганимдек кўринишга келдинг”. Шундан кейингина устанинг мақсадини тушундим, унга миннатдорчилик билдирдим: “Сенга ишонмаганим учун кечир! Менга озор берасан деб ўйлабман. Ўзимдан ҳам кўпроқ ғамхўрлик қилишинг хаёлимга келмабди. Ҳаммаси учун сендан миннатдорман!”

Уста финжонга, Аллоҳ инсонга ишлов
беради. Шундай экан, банда ўзига етган
мусибатдаги яхшиликни кўра олсин.

Аллоҳим, қаҳринг-да ҳуш, лутфинг-да
ҳуш, десак, қалбимизга илоҳий шик инди.

Нега бунга куйиб-пишяпсиз? Аллох
нимани ирода қилса, шу бўлишини биласиз-ку
ёки Унга таваккул қилмаяпсизми?

Топган баҳонангиз қилган айбингиздан
оғир. Чуқур бир нафас олиб Раббингизга:
"Э Аллох, мен паноҳ тилаган қулингман,
Сен эса паноҳ берган Раббимсан. Менга
Ўз раҳматингдан ёғдир, тилагимга
эришай", деб дуо қилинг.

ШАЙТОННИНГ ЯГОНА КУЧИ, ҚУРОЛИ – ВАСВАСА

“Албатта, инсонни Биз яратганмиз ва унинг нафси нимани васваса қилишини ҳам билурмиз” (Қоф сураси, 16-оят).

Сарлавҳада шайтоннинг кучи дедик, аслида шайтон ҳеч қандай қувватга эга эмас. У бизни фақат васвасага солиши, нафсимиз орқали турли ҳийлалар қилиши мумкин. Бошимиздан кечирган мусибатларимизни эслатаверади. Бу эса шайтоннинг эмас, балки нафсимизнинг кучли эканини кўрсатади. Биз эса, Худо хоҳласа, нафсимизни ўзимизга буйсундириб оламиз.

Баъзан шайтон ва нафсим ўртасида суҳбат бўлиб туради. Чунки ҳар бир инсоннинг ўз шайтони мавжуд ва унга қилинаётган барча васвасалар бир-бирига ўхшайди. Улар одамларга фақат мана шу васвасалар ёрдамида тузоқ қуришади.

Китоб ёзаётганимда ҳам роса уринади. Ёзмаслигим учун ҳар хил баҳоналар топади. Чунки бу китоб минглаб кишиларнинг хайрига хизмат қилишини яхши билади. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ қалбимга илҳом қилганига суюниб, меҳр би-

лан кеча-кундуз демай ёзиш ҳаракатидаман.

Бироздан кейин шайтоннинг менга айтганларини, бандани қай тарзда йўлдан уришини, бунни амалга ошириш учун қандай йўл ва сўзлардан фойдаланишини ўқиганингизда, ишонаманки, сизга ҳам таниш туюлади.

Иблис алайҳи лаъна кўпинча ҳақиқага хиёнат қилинган, чув тушириб кетилганларни васваса қилади. Чунки уларнинг даражаси Аллоҳнинг ҳузурида юксалганини яхши билади.

“Бир киши алданиб қолганида нима қиласан?” деб сўрасам, нафсим воситасида шундай жавоб берди: “Дарҳол чап қулоғига пуфлаб, бўлган воқеани, эшитган хунук сўзларини қайта-қайта ёдига соламан. “Қара-я, сен доим қўллаб юрардинг, у эса алдаб кетди. Энди ҳеч қачон бахтли бўлолмайсан. Тақдиринг шу экан-да. Бунга ўзинг айбдорсан, чунки қадринг йўқ. Сени ҳеч ким яхши кўрмайди, ҳатто оилангга керак эмассан. Аллоҳ сени ёмон кўради. Ҳозир ёлғизсан, бундан кейин ҳам... Оилангни деб шу ҳолга тушдинг”, деб асабларини чарчатаман. Ўзини бошқаролмайдиган аҳволга келтираман. Кейин эса исёнга бошлаш учун “Беҳуда дуо қиляпсан, Аллоҳ сени ҳатто эшитмади ҳам. Хўш, шу пайтгача бирор тилагингни бердими?” деб такрорлайвераман”.

Нега бундай қилишининг сабабини сўраганимда: “Аллоҳнинг суйган бандаларини йўлдан оздириш асосий мақсадим”, деди.

“Аллоҳнинг суйган бандалари кимлар?” деб

яна савол берганимда, айтдики: “Улар марҳаматли, виждонли, ўзидан кўра бошқаларни кўпроқ ўйлайдиган, соф, тоза қалбли ва ҳақини бошқалар еган кишилар”.

Суҳбатимиз қуйидагича давом этди:

– Кимларни йўлдан оздиришга уринмайсан?

– Фитна-фасодни касб қилиб олган, ғаддор, бировнинг ҳақини еса ҳам, тўйдим демайдиган очкўзлар билан ишим йўқ, чунки улар шундоқ ҳам йўлимда юрибди.

– Энг кўп кимларни васвасага солишни ёқтирасан?

– Мукаммалликни яхши кўрадиган одамларни.

– Нега энди, уларнинг бошқалардан фарқи нимада?

– Сабаби ундай одамларга илашиб олиш ҳам, васваса қилиш ҳам жуда осон. Чунки банданинг ҳамма нарсани бекаму кўст бажариш истаги Аллоҳнинг иродасига қарши чиқиш бўлиб қолади. Оқибатда Аллоҳнинг раҳмати ва ҳимояси ундан кўтарила боради. Ҳатто шайтон бўлатуриб мен ҳам ҳар қандай қусурдан холи зот фақатгина Аллоҳ таоло эканини биламан. Лекин инсон буни унутиб, ҳамма нарса ўзимнинг қўлимда деб ўйлайди.

– Аллоҳнинг раҳмати кўтарилгач, ўша одам билан қандай ўйинлар ўйнайсан?

– Ваҳимага солиб қўяман, қулимга айлантираман. Масалан, ғусл қилаётганида у ер ёки бу

ерингга сув тегмади, деган фикрни хаёлига олиб келавераман. Натижада қайта-қайта таҳорат олаверади. Шу тариқа сувни исроф қилиб, итоатимга киради.

Баъзан қўлларини юваётганида сув сачраб кетди, энди тирсакларинггача юв деб, васваса қиламан. Анча вақтини шу ишга сарфлайди, амримга бўйсунди.

Ҳолбуки, ўша вақтда айтганимни қилмай, мен фақат Аллоҳга бўйсунаман, деса, унга бошқа яқинлашмайман. Чунки бу гапни эшитишга тоқатим йўқ.

Баъзида эса “чироқ ёниқ қолмабдими, текшириб кўр-чи”, “газ очик қолган, эшик қулфланмаган, бориб, қараб кел”, деган буйруқлар билан уни истаган кўйимга соламан. Аслида, ўша эшикнинг ёпиқлигини билса ҳам, ичига шубҳа солиб қўйганим учун бориб текширади. У айтганимни қилгани сари яйрайман. Ақсинча бўлса, кўнглига ғашлик соламан. Ўша ғашликдан қутулиш учун буйруқларимни бажараверади. Бунга мувофиқ мен ҳам “машғулот”ларини кўпайтиравераман. Масалан, шу нарсани қилмасанг, бошингга бир фалокат келади, айбдор эса сен бўласан, деб чалғитаман.

Банданинг ўзини асровчи билиши ҳам уни Аллоҳнинг раҳматидан узоқлаштиради. Айримлар, мен бўлмасам, болаларим оч қолади, сарсон-саргардон бўлади, деб ўйлайди. Шундай оналар борки, фарзандлари учун қаттиқ қайғу-

ради, ҳар дақиқада уларни ҳимоя қилишга интилади. Ундайларни болангдан айрилиб қолсанг, чидолмайсан, ғамга ботасан, уларга зарар бериб қўйма, деб васваса қиламан. Бу менга асло қийинчилик туғдирмайди, чунки улардан Аллоҳнинг раҳмати кўтарилгани сайин ишим осонлашаверади.

– Нега улардан Аллоҳнинг раҳмати кўтарилади?

– Ҳозиргина айтдим-ку, банда ўзини ҳимоячи деб билади, аслида, Аллоҳдан бошқа ҳимоя қиладиган зот йўқ. Одам асрай олишга қодирман, куч-қудратим бор, ихтиёрим ўзимда, деб ҳисоблайди. Агарда мен бўлмасам, яқинларим, бутун оилам пароканда бўлади, деб ўйлайди. Бундай ҳаракатлар Аллоҳни ғазаблантиради. Шунинг учун ҳам бу каби кимсаларни васвасага солишда машаққат чекмайман. Уларнинг ақлу ҳушини, қувватини шу хил нарсаларга сарфлатиб, ибодат қилолмайдиган ҳолга келтираман.

Баъзи оилаларни бузиш учун атайлаб аёлларни танлайман. Уларга айтаманки, эринг ва болаларингни яхшилаб ювинмасидан, кийим-бошини тўлиқ алмаштирмасидан уйга киритма. Табиийки, айтганимни қилишади. Шу зайлда хонадон ҳаловатига путур ета боради. Аёлларнинг ичига ғашлик солиш билан оилани бузишга ҳаракат қиламан.

НАФСНИ ЖАЗО ВА НАСИХАТ БИЛАН ТАРБИЯЛАШ

Азиз ўқувчим, шайтонни яқиндан таниб олдик, энди эса ечим вақти келди. Сизнинг энг катта эҳтиёжингиз ечим топиш бўлса, менинг асосий мақсадим уларни сизга кўрсатиб беришдир. Аллоҳнинг изни билан бу ечимларни эътиборингизга ҳавола қиламан.

Аввалги китобларимиздан бирида васваса мавзусига тўхталиб ўтган ва бир қанча ечимлар тавсия қилгандим. Хусусан, ваҳима ва безовталикка оид маълумотларни келтиргандим.

Ваҳима ва безовталикни бошидан ўтқазган кўпсонли ўқувчиларимиз алоқага чиқиб, бу хасталикдан қутулишганини, хотиржам яшаётганларини билдиришди. Шифо берган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин, камина ожиз бир қулман, илм ва шифо Алийм ва Шофий бўлган ёлғиз Аллоҳдандир.

Бу ёзувчи ичимда нима ўйлаётганимни билиб турибди деб ўйламанг, асло! Билгувчи фақат Аллоҳ, камина фақат билдиришга васила, холос. Алҳамдулиллаҳ! Жоним Раббимга қурбон бўл-

син, кимнингдир шифо топишига мени сабаб қилаётгани қандай бахт!

Энди асосий масалага ўтайлик. Минг аф-суслар бўлсинки, муқаддас динимиз таълимотларини эшитиб ўрганишни одат қилиб олганмиз. Биз дуч келаётган муаммолар раҳмат дини бўлмиш Исломининг оммага қўрқув дини сифатида таништирилишининг оқибати. Шу тарзда энг содиқ Дўстимиз – Раббимиздан узоқлашдик. Диний илмлар ҳақиқий манба бўлмиш Қуръони каримдан эмас, оғзаки маълумотлардан олина бошланди. Турли хатоликлар, васвасалар юзага келди.

Мисол учун, ғусл масаласидаги ихтилофнинг сабаби ғуслда тананинг игна учидек бўлса ҳам жойи қолмасдан ювилиши кераклиги эди. Аслида, ғуслнинг учта фарзи бор, шундай эмасми? Оғизга сув олиб, ғарғара қилиш, бурунга ачиштиргунча сув тортиб, яхшилаб чайиш, баданнинг ҳамма жойини ювиш.

Шаклбозликни қаранг! Агар сув бўлмаса, ғуслни қандай қилардингиз? Ўйлаб кўринг, сув йўқ, тупроқ билан таяммум қилишга тўғри келиб қолди. Хўш, бу ҳолатда бутун баданга тупроқ суриб чиқиш керакми?

Аввало билишимиз керак бўлган нарсa шуки, Аллоҳ таоло бандасининг қалби ва ниятига қарайди. Мана бу жойингга сув тегмай қолди, қайта ғусл қилмасанг, қабул этмайман, деб қулларини машаққатга қўймайди. Албатта, одам бу каби

илмларни муносиб тарзда ўрганмаса, эшитганига амал қилаётган бўлса, шайтоннинг васвасаларига осонгина енгилади-да.

Динимизни бизга машаққатли ва фақатгина шаклдан иборат деб кўрсатаётганларга Ўзи инсоф берсин! Шу йўл билан бизни муқаддас динимиздан совутаётганларга Ўзи кифоя қилсин!

Аллоҳни, Исломни инсонларга кўрқинчли қилиб кўрсатиб, илоҳий раҳмат ва муҳаббат ҳақида маълумот бермаган устозлардан Аллоҳ таоло ҳисоб сўрайди.

“Нега бандаларимни кўрқитдингиз? Исломни меҳр-муҳаббат, тинчлик ва биродарлик дини дея туширдим, сиз эса бандаларимга, мўминларга фақатгина Менинг қаҳримдан сўзладингиз. Кофир бандаларимга ҳам ҳеч малолланмай неъмат бериб турган ҳолимда сизлар мўмин бандаларимни Мендан узоқлаштирдингиз. Мен ғаддорманми сизнингча? Мен Ғафформан, ўта кечиримли Зотман. Сизлар эса Мени бандаларимга кўрқинчли деб таълим бердингиз”.

Эй нафсига енгилган дин уламолари, Аллоҳ сизлардан бир куни шуларнинг барчасини сўрайди.

Ўқувчиларимни кўп куттирмай ечим масаласига ўтаман. Аввалбошда муаммо нимадан келиб чиқади дедик? Кишининг ҳаддан ташқари мукаммалликка интилишидан. Бу, одам ўзи истаса, осонгина тузаладиган нарса, асло касаллик эмас.

Мазкур хусусда тойилаётганингизни сезсангиз, дарҳол: “Субҳаналлоҳ! Албатта, мен хатокорман, қулман, қул дегани хатокор бўлади, ёлғиз Аллоҳ ҳар қандай адашиш ва камчиликлардан покдир”, денг. Ҳақ таоло – бизнинг севимли ва содиқ Дўстимиз мана шу ҳолатингиздан кейин бундай дейди: “Бандам ҳаддини билди, ўзининг хатокорлигини ҳис этди ва Мени поклади”. Кўрдингизми, Аллоҳ билан қураётган самимий муносабатимизни?

Вазиятга юқоридагидек баҳо берганимизда Аллоҳ таолонинг Раҳмон (улуғ неъматларни берувчи) ва Ҳафиз (ҳар бир нарсани комил муҳофаза қилувчи) исмлари тажаллийси устимизда юксалади ва қалбимизга илоҳий ҳузур бахш этади. Натижада, шайтон васвасасига имкон қолмайди. Чунки Аллоҳ бизни паноҳида асрайди. Онамиз бизни қанчалар авайласа, Аллоҳ таоло бундан миллион марта ортиқ ҳимоялайди.

Аллоҳ таоло паноҳига олишни яхши кўради, сен буни истасанг, кифоя.

Аллоҳ таоло ризқлантиришни яхши кўради, сен ризқни фақат У Зотдан сўрашинг етарли.

Аллоҳ таоло мусибат чеккан бандасига қушойиш беришни яхши кўради, албатта, бандаси ҳам енгилликни фақат Аллоҳдан сўраб, чиройли сабр кўрсатиши керак.

Ҳақ таоло бандасининг мусибатда қолиб озорланишини истайдими? Йўқ, аксинча, У Зотнинг бандасига бўлган муҳаббати бундай озорга ташлаб қўйишдан буюкдир.

Ўзингиздаги мукаммаллик учун чираниш одатини шу тарзда ўзгартириб олганингиздан кейин шайтон сизни, дейлик, қўлингни юв, агарда ювмасанг, фалондай нохуш нарсалар бўлади, деб ваҳимага солса ёки ўтмишдаги кўнгилсизликларни эслатаверадиган бўлса, яъни ҳар қандай мавзуда шивирлаб васваса қиладиган бўлса, дарҳол намоз учун таҳорат олинг.

Мана, энди шайтоннинг юзини ўзимиздан тамомила терс ўгирамиз. Таҳорат олиб бўлгач, ўша маҳал кирган намозни ёки икки ракат нафл намозини Аллоҳ ризоси учун ўқиймиз. Мана шу усул билан шайтонни паришон қиламиз. Шундан кейин у: “Мен бу одамни чалғитолмайман. Чунки қачон қулоғига шивирлаб бирор иш буюрсам ё кўнглига ғашлик солсам, дарҳол Аллоҳ розилиги учун намоз ўқиб оляпти!” дейдиган бўлади.

Ечим нималигини билиб олдингиз, бу усулни албатта, қўлланг. Шунда шайтон сизга яқинлашишга ҳам қўрқиб қолади. Бу машаққатли бўлиши мумкин. Аммо бир нарсани унутманг, мазкур усулни қўллаш сизга эмас, аслида, нафсингизга қийинчилик туғдиради. Аллоҳ таоло бандасига ҳирс деган туйғуни ҳам берган. Айни мана шу вазият ўша туйғудан фойдаланиш учун қулай фурсатдир. Нафсингизга ҳукм ўтказинг ва намоз ўқиб олинг. Бундан шайтон қаттиқ жазавага тушаётганини ҳис қиласиз. Ичингиздаги ҳузур буни ҳис этишингизга ёрдам беради. Мана шу ҳолатингизда Аллоҳнинг мадади билан нафсин-

гиз устидан голиб келаётган бўласиз. У Зотнинг кўмагини ич-ичингиздан сезиб турасиз.

Шундай ҳикоя бор. Кекса киши хуфтон на-мозини ўқиш учун масжидга отланибди. Ҳам-ма ёқ қоп-қоронғи бўлгани сабабли етиб кел-дим деганда тошга қоқилиб йиқилиб тушибди. Уст-боши лойга беланибди. Чол ҳеч иккилан-май уйига қайтиб, кийимларини алмаштирибди. Сўнг масжидга йўл олибди ва яна йиқилибди. “Аллоҳу акбар!” дея уйига бориб, бошқа либосла-рини кийибди. Энди эшикдан чиққанида бир йигит чироқ билан яқинлашиб, қўлидан тутиб-ди ва: “Отахон, юринг, сизни масжидгача олиб бораман”, дебди. Етиб келишгач, чол ҳамроҳига: “Аллоҳ сендан рози бўлсин!” дебди. Йигитнинг жаҳли чиқиб кетибди: “Менга асло бундай дема! Чунки мен шайтонман! Сен биринчи марта йиқи-либ, кийимингни алмаштирганингда Аллоҳ бу ишингдан жуда севинди ва барча гуноҳларингни кечирди. Иккинчи марта ҳам қоқилиб, тоза ли-бос учун уйингга қайтганингда аҳли оилангнинг гуноҳларини кечирди. Учинчи марта ҳам шу иш такрорланса, бутун сулоланг кечирилиб кети-шидан қўрқдим. Шунинг учун ҳам қўлингдан ту-тиб масжидгача ўзим олиб келдим”.

Яна бир воқеани келтираман. Боязид Бисто-мий ҳазратлари бомдод намозига ухлаб қолиб, қаттиқ надомат чекади ва кўзёш тўкиб, Аллоҳдан мағфират этишини сўрайди. Шунда ғойибдан келган овоз Ҳақ таоло у кишига бомдоддек ет-

миш минг намознинг савобини берганини билдиради. Эртаси куни эса саҳарлаб шайтоннинг ўзи у зотни бомдод намозига уйғотади. Шунда ҳазрат: “Эй малъун, сен қачондан бери хайрли ишга қўл урадиган бўлдинг? Нега мени намозга уйғотяпсан?” деб сўрайди. “Бомдод намозини ўтказиб юборган кунинг шунчалик йиғладингки, эвазига етмиш минг намознинг савоби берилди. Сени бомдодга турғаздим, токи бир намоздан ортиқ савоб олмагайсан. Йўқса, яна қат-қат ажрга эга бўлардинг!” деб жавоб беради шайтон.

Азиз биродарим, лаъин сизни васваса қилганида, буйруқ берганида дарҳол намоз ўқиб олинг. Тезда ёнингиздан узоқлашганига гувоҳ бўласиз.

Келинг, энди нафсимизни жазо орқали тарбиялаш, шу тарзда уни бўйсундириш ҳақида сўз юритамиз. Нафс ҳам худди ёш болага ўхшайди, баъзан болани тарбиялаш учун жазолаш керак бўлади, шундай эмасми?

Хўш, сизнингча нафс учун энг мувофиқ жазо усули қайси? Қўрқувми? Жаҳаннам ҳақидаги гапларми? Йўқ, у очлик билан жазоланса, соҳибига хизмат қилишни бошлайди. Раббини ҳам дарҳол ёдга олади.

Чуқурроқ ўйласангиз, Аллоҳ таоло уни яратганда очлик билан тарбиялагани эсингизга тушади.

Аллоҳ таоло нафсни яратди ва ундан: “Сен кимсану Мен кимман?” деб сўради. Нафс дедики: “Сен – Сенсан, мен – менман”.

Шундан кейин Аллоҳ билган муддатга қадар оловда тарбияланди, яъни дўзахга ташланди. Ҳақ таоло саволини такрорлади, жавоб эса ўша-ўша эди: “Сен – Сенсан, мен – менман”.

Аллоҳ таоло дўзах оловини янада қиздирди ва нафсни такрор унга оттирди. Аммо ўтдан чиқариб ўша савол берилганда, нафсининг жавоби ҳеч ўзгармади. Шундан кейин нафс очлик билан жазоланди. Бир муддатдан сўнг Ҳақ таоло саволини такрорлади: “Сен кимсану Мен кимман?”

Шу пайтгача на тўхташни, на қаерда турганини билган нафс бу сафар ўзига келиб, ҳаммасини тушуниб етди ва Раббига шундай жавоб берди: “Сен мени ва еру кўкни яратган Буюк Аллоҳсан, мен эса Сенинг ожиз қулингман”.

Ушбу ривоятни тафаккур қиладиган бўлсак, Аллоҳ таоло нафсимизни очлик билан тарбиялашни таълим бермоқда. Бизга қўрқув ёрдам бермаганининг сабаби ҳам шу. Намозингни ўқи, йўқса дўзахга кирасан дейиш билан олдин жаҳаннамга кириб-чиққан нафс чўчимади. Унинг эсини фақат очлик билан киритиш мумкин.

Шундай экан, Аллоҳ таоло кўрсатган йўлдан борайлик. Қандай ҳолларда нафсни очлик билан тарбиялаш кераклигини билиб олайлик.

Шайтон васваса қилганда, кўнглингизга ғашлик солганда, намоз ўқима, таҳорат олма, ишинг кўп-ку, фарзнинг ўзини ўқи, суннاتини қўй, деса ёки шу каби бошқа бирор нохушликни юзага келтирадиган бўлса, дарҳол айтилган усулни қўлланг.

Авваллари чарчасам ё касаллансам, нафсим аввал фарзни ўқиб, кейин ухлашимни айтарди. Унга жазо бўлсин деб ортиғи билан ибодат қилардим, унинг устига оч ҳам қолдирардим.

Бир куни хуфтон ўқиётганимда кабоб егим келиб қолди. Нафсим шуни истаётганди. Бошимни саждага қўйган эдимки, фақат фарзни ўқиб олишимни, йўқса кабобчи кетиб қолиши мумкинлигини уқтирди. Жазони кечиктирмадим. Ҳам намозни ортиқчаси билан ўқидим, ҳам ўша куни туз тотмасдан оч ухладим. Яна бир сафар ибодат вақтида дунёвий нарсаларни эслатиб фикримни бўлгани учун уни тушлиқдан маҳрум қилдим.

Нафс доим эгаси нимани яхши кўрса, ўшани ёдига солади. Мантими ёки дўлмами, товукли палов ёки шўрва, ширинлик... Хаёлингизни шунчалик банд этадики, қандай қилиб унга хизмат қилаётганингизни билмай қоласиз. Шундай пайтларда нафсингизни у тусаб турган севимли нарсасидан маҳрум қилинг. Мана шу вақт ҳаётингиздаги энг катта бурилиш нуқтаси бўлади, Худо хоҳласа. Пайғамбаримиз алайҳиссалом уч кунлаб оч юрганларида сиз ҳам бир марта оч қолсангиз қолибсиз-да.

Шундан кейин нафсинг ақли киради, васвасага сололмайди. Чунки бундай қилса, дарҳол жазо берилишини яхши билади. Бу масалада жуда жиддий эканимизни онгига сингдириб олгани учун бизни бошқа безовта қилмаслик ҳаракатида бўлади.

Ечимни билиб олдингиз. Энди ҳирсингизни нафсингизга қарши қўланг, устидан назорат ўрнатинг. Шунда унинг қўзичокдек ювош тортиб қолганини кўрасиз ва бу йўлда Аллоҳнинг Ўзи сизни қўллайди.

Шайтондан, "Энг яхши кўриб қиладиган
васвасанг нима?" деб сўрадим. "Одам-
ларнинг қўлоғига таҳорат олиш ҳам ма-
шаққат-да, деб шивирлайман, нафасимдан
пуфлайман, кейин бу гапимни унга эътироф
эттираман. Қўнгра дунё юмушлари билан
хаёлини банд қилиб қўяман. Бу ишимдан
роса ҳузурланаман".

Ҳен айбдорсан, гуноҳларинг жуда кўп деб
қалбингизга ғўлғўла солаётган ҳам айнан

Ўблис алайҳи лаъна ҳисобланади.

Парвардигори олам – Қиёмат кунининг

Подшоҳи ҳар кимнинг ҳисоб-китобини
охиратда қилади. Ёки ҳали имтиҳон туга-
масдан туриб: "Шу жойда хато қилдинг",
деган бирор устозни кўрдингизми? Аслида,
кин дилдан тавба қилдингизми-йўқми? Қиз
шу ҳақида қайғуринг! Шайтон: "Ҳадеб
дуо қилавериб зерикиб кетмадингми?" деса,

унга айтингки: "Мана шу дуоларим са-
бабли Раббимга овозимни, оҳу зорим, ил-
тижоларимни эшиттирялман, ёлворишим
Унга хуш ёқади. "Кушим Мени ўзига
Дўст билиб, дардларини айтяпти", деб
менга раҳмат назари билан қарайди. Шу
билан Дратган ҳам мамнун, яралган ҳам".
Миянғизда қандайдир овоз: "Ўзи сенинг
тақдиринг шунақа экан, шўр экан пешонанг",
дейди. Агар ўша овозга қулоқ солсангиз,
ҳолингиз вой бўлади. Аксинга, мана шу
овозни бераётган нафсингизга: "Тақдирим
қандайлигини фақатгина Аллоҳ билади",
дея олсангиз, порлоқ кунлар уҳун тайёр
туринг. Ҳаётингизда қандай муаммо бў-
лишидан қатъи назар, "Аллоҳим, Сендан
розиман", деганинғизда қалбингизни
тўлдирадиган ҳузур-ҳаловатни
таърифлөлмайсиз ҳам.

Мен бошимга тушган мусибату дард
билан Аллоҳга қўлишни яхши кўраман.